

**Янгиургон туман тиббиёт бирлашмасига карашли Бекобод МФЙда жойлашган 50 ўринли
ОШП биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича
№ 1 сонли пудрат**

ШАРТНОМАСИ

«18» май 2022 йил

Янгиургон тумани

Янгиургон туман тиббиёт бирлашмаси номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар Л.Ахмедова бир томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) **ва «ООО MUXHAMMAD LIGHT»** номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар А.Рахматов иккинч томондан (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Янгиургон туман тиббиёт бирлашмасига карашли Бекобод МФЙда жойлашган 50 ўринли ОШП биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича мажбуриятни олади, Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ обьектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II.Умумий шартлар

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошка харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-2,,Ф-3) асосида хисобга олинади хамда тулов учун тақдим этилади.

2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 40 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4.Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишдарни микдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади.

III.Пудратчининг мажбуриятлари

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофиқ топшириш.

2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3.Курилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

6. Таъмиrlаш давомида лойха смета хужжатларида хисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аникласа бу тўғрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

1.Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш

2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3.Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва хисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтда тижорат таклифидаги умумий суммаси **57 350 000** (Элик етти миллион уч юз элик минг) сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов, тендер савдолари натижасида аниқланган қатъй сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳаки тўловларининг ошишига боғлиқ равища ўзгармайди.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг **30** фоиз микдорида аванс ўтказади, бу эса **17 205 000** сум 00 тийин сўмни ташкил килади. Колган тўловлар **70** фоизи **40 145 000** минг сўм Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзолангандан далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 40 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Хисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги хисоб-ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини белгилангандан кунга қадар тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш хуқуқига эга. Бундай холатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқукини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу хакда қонун хужжатларида белгилангандан тартибда Буюртмачининг ёзма равища хабардор қилиши керак.

VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.4 фоизи микдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни хал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгилангандан тартибда иқтисодиёт суди томонидан кўриб чиқилади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса. томонлар бундай тулик ёки кисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлар ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у холда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

IX.Шартномани бекор қилиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2.Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3.Объектдаги таъмиrlаш ишлари Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддарга тухтатиб куйилганда,

4.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб куйилганда, конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга .

5.Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6.Шартноманинг бир томонлама бекор килишга йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно..

X.Алоҳида шартлар

1.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йукотади. -

2.Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

3.Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, хақиқий хисобланади.

4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги қонун нормалари кўлланилади.

5.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. « Буюртмачи » хамда « Пудратчи » томонидан тасдиклангандан сўнг юридик кучга киради ва Газначилик булинмасидан руйхатдан ўtkazilgандан сўнг юридик кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»
«Пудратчи»

«Буюртмачи»
Янгиургон туман тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

“MUXHAMMAD LIGHT” МЧЖ
(товар, хизмат курсатувчи номи)

Манзил: Чорток туман Короскон ШФЙ
Тел./факс: +998935440039
x/r 20208000505043312001
Хамкорбанк Чорток филиали
МФО:00992 СТИР 306260740

Манзил:Янгиургон ш А.Кучкаров куча 4-үй
Тел./факс: 69 632 14 49
ш/х:400322860142427073101054001
Бюджетдан маблағ олувчи СТИР:200118029
ОКОНХ:91511
Газначилик бўлинмаси номи: Янгиургон
тумани
Газна x/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент
булими
МФО:00014 СТИР: 201122919



МЧЖ раҳбари: А.Рахматов

M.Y.



раҳбари: Л.Ахмедова



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUXAMMAD LIGHT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - (tadbirkorlik subyektingiz tashkili huquqiy shakli ko'rsatilgan hodaq lo'q nomi)

"MUXAMMAD LIGHT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqadilgan nomi)

Tashkili etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatidan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.03.2019

702400

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sohna oy (so'z billion), yil)

Sohiq lo'vchining identifikasiya raqami (STIR):

306260740

Tashkili-huquqiy
shakil:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Namangan viloyati, Chortoq tumani, Koreskon, Mustaqillik MFY, Nuri
ko'chasli 39 uy,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

Tomonidan
berilgan

(Ro'yxetden o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA № DY4883313505**

1. Loyiha turi: Shartnoma;

2. Loyihani nomi:

**Yangiqo‘rg‘on tuman tibbiyot birlashmasiga qarashli “Bekobod” MFYda
joylashgan 50 o‘rinli oilaviy shifokorlik punkti binosini joriy ta‘mirlash ishlarini
bajarish bo‘yicha №1-sonli pudrat shartnomasi**

*(Shartnomani umumiy qiymati 57 350 000 ellik yetti million uch yuz ellik ming so‘nni
tashkil qiladi)*

3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Yangiqo‘rg‘on tuman tibbiyot birlashmasi nomidan nizom asosida ish yurituvchi
rahbar L.Axmedova bir tomondan (*keyingi o‘rinlarda “Buyurtmachi” deb yuritiladi*)
va “Ooo muhammad light” nomidan nizom asosida ish yurituvchi rahbar A.Raxmatov
o‘rtasida tuzilgan shartnoma loyihasi Yangiqo‘rg‘on tuman tibbiyot birlashmasi
tomonidan 2022-yil 19-may kuni ishlab chiqilgan va shu kuni dasturga kiritilgan.

**4. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish
maqsadga muvofiq.**

Markaz bosh yuristkonsulti



J. Bozorxonov

2022-yil 19-may

МУХОКАМА АХБОРОТИ

10.05.2022 йил

Янгиқўрғон шаҳри

Наманган вилояти худудидаги Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 2022 йил “05” майдаги №**22110012075205**-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Бегобод МФЙ жойлашган ОШП биносини жорий таъмираш** ишлари товар (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **“ООО MUXAMMAD LIGHT”, “SOF TA`MIR LYUKS ” ва “CHORTOQ YANGILANISH”** томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди.

Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Янгиқўрғон туман тиббиёт
бирлашмаси раҳбари:**

Бош хисобчиси



Л.Ахмедова

Қ.Долиев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana: 11-06-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 46585

Obyekt nomi «Namangan viloyati Yangiqo'rg'on tumani Tibbiyot birlashmasiga qarashli Bekobod OSHPni joriy ta'mirlash»

Buyurtmachi - Yangiqo'rg'on tumani Tibbiyot birlashmasi

Bosh loyihachi - "NAMANGANINVESTLOYIXA INSTITUTI" MCHJ

Litsenziya AL-000191 17.12.2021 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Budget

Bosh pudratchi - Tanlov asosida

Qurilish turi Joriy ta'mirlash

Murojaat raqami: № 44965

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Yangiqo'rg'on tumani hokimining 29.04.2021 yildagi 63-F-sonli farmoyishi.

1.2. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyiha topshirig'i.

1.3. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 19.05.2022 yildagi 316391-sonli shartnoma.

1.4. Belgilangan tartibda buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan ob'ektning nuqson dalolatnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Tushuntirish yozuvi.

2.2. Ta'mirlash ishlari qiymati.

2.3. Hisoblar.

2.4. Lokal resurs qaydnomasi va yig'ma resurs qaydnomasi.

2.5. Nuqson dalolatnomasi.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan loyiha qiymati **59990,725 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	51952,237	ming so'm
Asbob-uskunalar:	213,611	ming so'm
QQS:	7824,877	ming so'm

6.2. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovni natijalari asosida aniqlanadi.

6.3. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan viloyati Yangiqo'rg'on tumani Tibbiyat birlashmasiga qarashli Bekobod OSHPni joriy ta'mirlash" loyiha qiymati kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

Bosh mutaxassis: MAXKAMOV TOXIR MARIFJONOVICH

